

## Дунёда нима амал қилгансан? | Сийрат дарслари (301-дарс)



19:00 / 04.10.2024 2490

508. Ҳузайфа розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«У қуйидагиларни айтди: «Аллоҳнинг ҳузурига бандаларидан Аллоҳ мол берган бир банда келтирилди. Шунда унга: «Дунёда нима амал қилгансан?» деди. «Ва Аллоҳдан гап яширмаслар», деди. «Эй Роббим! Менга молингни бердинг. Одамлар билан савдо қилар эдим. Хулқимда ўтиб юбориш бор эди. Камбағалга муҳлат берар, бойга осонлаштирар эдим», деди. Аллоҳ таоло: «Бу ишга Мен сендан ҳақлиман. Бандамни кечиб юборинглар», деди». Шунда Уқба ибн Омир Жуханий ва Абу Масъуд Ансорий: «Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг оғизларидан худди шундай эшитганмиз», дейишди.

*Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.*

509. Абу Ясар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам: **«Ким камбағалга муҳлат берса ёки ундан (ҳақнинг) бир қисмини ўтиб юборса, Аллоҳ уни Ўзининг соясига олади»**, дедилар».

*Муслим ривоят қилган.*

510. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам: **«Ким мусулмоннинг (савдодаги) қайтишини кечирса, Аллоҳ унинг қоқилишини кечиради»**, дедилар».

*Абу Довуд, Ибн Можа, Ибн Ҳиббон ва Ҳоким ривоят қилишган.*

511. Абдурроҳман ибн Ваъладан ривоят қилинади:

«У Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан узумдан сиқиладиган нарса ҳақида сўради. Шунда Ибн Аббос айтди: «Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламга бир киши хамр кўзасини ҳадя қилди. Шунда Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам унга: **«Аллоҳ уни ҳаром қилганини биласанми?»** дедилар. «Йўқ», деди ва бир одамнинг қулоғига пичирлади. Шунда Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам унга: **«Унга нимани пичирладинг?»** дедилар. **«Уни сотиб юборишни буюрдим»**, деди. **«Уни ичишни ҳаром қилган Зот сотишни ҳам ҳаром қилди»**, дедилар. У кўзани очиб, ичидаги нарсани тўкиб ташлади».

*Муслим ривоят қилган.*

512. Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллalloҳу алайҳи васаллам «нажш»дан қайтардилар».

*Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.*

**«Нажш» сўзи «шишириб кўрсатиш» маъносини англатади. Савдода эса, бошқаларни алдаб, қизиқтириш учун бир нарсани ортиқча баҳога сотиб олишга айтилади.**

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам» китобидан

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 30 ноябрдаги 03-07/9078-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.